Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 11 декабрь 1974 йил, чоршанба № 288 (16.078). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

МУЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

●

ИЛҒОР ХУЖАЛИКЛАРДАГИ ПУХТА ИШЛАР

●

ШУДГОРЛАШ ДАВОМ ЭТМОКДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ В. ЖИСКАР д'ЭСТЭН БИЛАН АМАЛИЙ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Советн Президиуми, СССР Министрлар Советн КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Франция Республикаси Президенти В. Жискар д'Эстэн билан амалий учрашуви якунларини қараб чиқиб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолиятини тўла ва батамом маъқуллайдилар ва Рамбуйеда тузилган битимлар ва шартномалардан мамнун эканликларини изҳор қиладилар.

СССР билан Франция Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 50 йиллиги нишонланаётган бир пайтда Рамбуйеда ўтказилган учрашув ҳар икки мамлакат ўртасида 1966 йилдан буён амалга ошириб келинаётган иноқлик ва ҳамкорлик сиёсати барқарор сиёсат эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Айни шу сиёсат кескинликни юмшатиш, Шарқ билан Ғарб мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципи асосида қайта қуришнинг кўп жиҳатдан асосий омили бўлиб қолди. Ўтган йиллар СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик Принципларига ва сиёсий маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Протоколга мувофиқ, Совет — Франция муносабатларининг ривожланиши ҳар икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига ва умуман халқаро вазиятнинг қулай тарзда ривожланишига мос бўлиб тушганлигини тўла тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Советн Президиуми, СССР Министрлар Советн эндиликда Умумевропа кенгашини жуда қисқа вақт ичида туғаллаш учун, бу кенгашнинг учинчи босқичини ўтказиш ва олий даражада якунловчи ҳужжатларни имзолаш учун яхши шарт-шароитлар вужудга келганлиги тўғрисида келишиб олинганлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг Президент В. Жискар д'Эстэн билан олиб борган музокараларининг муҳим натижаси, деб ҳисоблайдилар. Бу музокаралар муҳокама этилган масалаларга нисбатан конструктив ёндашиш ва реализм руҳида ўтди. Қитъамизда кескинликни янада юмшатиш жараёнининг энг муҳим бўғини бўлган кенгашнинг муваффақиятли тамомланиши Европадаги ва бутун жаҳондаги халқлар ўртасида тинч муносабатлар негизларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет Иттифоқи учрашув давомида Яқин Шарқдаги аҳволга доир асосий масалалар юзасидан ҳар икки мамлакатнинг позициялари бир-бирига тўғри келганлигини муҳим факт деб ҳисоблайди. Яқин Шарқдаги аҳвол аввалгидек ҳозирда ҳам жиддий хавф-хатар туғдирмоқда. Ҳар икки томон Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган барча территориялардан олиб чиқиб кетиш ва шу райондаги барча давлатларнинг мустақил яшаш ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли қарорлари асосида бу районда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш зарур эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини қондириш бу борада алоҳида аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи билан Франциянинг Яқин Шарқда бамаслаҳат кўрадиган тадбирлари можарони шу тариқа тинч бартараф қилишга қўшилган ҳисса бўла олур эди.

Совет раҳбар доиралари, бутун совет халқи ҳар икки томоннинг Ҳинди-Хитой хусусида Парижда тузилган битимларга қаттиқ риоя қилишга эришиш учун интилаётганлигини табриклайдилар.

Ҳар икки томон Кипр Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини тўла ҳурмат қилиш асосида Кипр проблемасини ҳал этиш учун ёрдам беришга тайёр эканлиги муҳим аҳамиятга моликдир.

Инсониятни қуролланиш пойгаси азоб-уқубатларидан халос қилиш — замонамизнинг энг муҳим проблемасидир. Шу муносабат билан СССР ва Франция қуролсизланиш соҳасида, шу жумладан ядро қуролини тарк этиш соҳасида зўр бериб қилинаётган ҳаракатни давом эттиришга қатъий интилаётганликларини, қуролсизланиш юзасидан Жаҳон конференциясини чақиришни аввалгидек ҳозир ҳам ёқлаб чиқаётганликларини таъкидлаганлиги муҳимдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Президент В. Жискар д'Эстэннинг амалий учрашуви натижасида Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга янги мадад берилди.

Совет Иттифоқидагилар Президент В. Жискар д'Эстэннинг Франция—Совет ҳамкорлиги Франция ташқи сиёсатининг асосий элементи, деб айтган гапларини мамнуният билан қабул қилдилар.

Рамбуйеда бу муносабатларни мустаҳкам, барқарор негизда ривожлантириш, бу муносабатларнинг таъсирчанлигини тобора ошириш тўғрисида келишиб олинганлиги Совет—Франция ҳамкорлиги учун кенг истиқболлар очиб беради. Эндиликда бутун гап ана шу аҳд-паймонни тобора янги конкрет ишлар билан тўлдиришда қолган. Совет томони шу йўлдан боришга қатъий қарор берганлигини билдиради.

Совет Иттифоқидагилар мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, олий даражадаги янги учрашув ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва кучайтиришга анча ёрдам беради. Бундай ҳамкорлик ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим негизларидан биридир. Рамбуйеда иқтисодий ва кредит масалалари хусусида имзоланган Совет—Франция ҳужжатлари ва аввало 1975—1979 йиллар мобайнида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим турли ижтимоий тузумга мансуб мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг ёрқин намунасидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити ҳал этилмаган халқаро проблемаларни ҳал этиш учун, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш, давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш учун олий даражадаги мунтазам учрашувлар муҳим эканлигини яна бир марта намойиш қилди. СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисида имзоланган битим ва шартномаларнинг амалга оширилиши, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида иноқлик ва ҳамкорлик сиёсатини ҳар икки мамлакатнинг меҳнаткашлари кенг қўллаб-қувватламоқдалар.



Наманган область, Косонсой районидаги «Қизил Октябрь» колхози деҳқонлари келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит тўплаш ва уларни пешма-пеш далага ташиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақлга амал қилган колхоз механизаторлари ерларни шудгорлашни тезлатмоқдалар. Ҳайдов тракторларининг ҳаммаси далага чиқарилиб, юксак унум билан ишлатиляпти. Механизаторлар ерларни тез ва сифатли ҳайдаш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Б. Исмоилов бошлиқ бригадада ер ҳайдаш айниқса яхши ташкил этилган. Илғор механизаторлардан Қўшали Турдиев ва Зокиржон Низомовлар кунига 8-10 гектар майдонни сифатли шудгор қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Суратларда: (юқорида) илғор тракторчилардан Қ. Турдиев ва З. Низомов ўртоқлар. Пастда эса Б. Исмоилов даласида ер ҳайдаш.

Ш. Османов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЧИЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

Республика автомобиль транспорти — Ўзбекистон халқ хўжалигининг йирик тармоғидир. Бу тармоқда икки юз минг киши ишламоқда. Республика автомобилчилари беш йилликнинг тўрт йили мобайнида икки ярим миллиард тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришади, қарийб беш миллиард йўловчига хизмат кўрсатади.

Тармоқ партия-хўжалик активининг 10 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика йиғилиши КПСС XXIV съезди қарорлари асосида автомобиль транспортидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасида республика автомобиль транспорти ходимларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин шу масала юзасидан доклад қилди.

Бекободдаги 16-автомобиль корхонасининг шофери Х. Абдужабборов, Тошкентдаги 3-автомобиль комбинати партия комитетининг секретари К. Раҳматуллаев, Андижон область автомобиль трестининг бошқарувчиси Т. Раҳматжонов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, автомобиль хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервлари тўғрисида гапирдилар. Бу резервларни ишга солиш автотранспортчиларга тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга ёрдам беради. Автомашиналарнинг бўш қатновини максимал даражада қисқартириш, транспорт воситаларининг нормативдан ташқари бекор туриб қолишини тугатиш ва шу кабилар ана шундай резервлар жумласидандир.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири К. С. Симонов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг Раиси Н. М. Маҳмудов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, КПСС Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг инструктори В. А. Ежиков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

НУКУС. 10 декабрь. (ЎзТАГ). Бу ерда Қорақалпоғистон партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар тўғрисидаги қарори асосида Автоном республика партия ташкилотининг вазифаларини кўриб чиқдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

Қозоғистон ССР Олий Совети делегацияси 10 декабрь куни Югославияга жўнаб кетди. Делегацияга СССР Олий Советининг депутати, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев бошчилик қилмоқда.

Делегацияни Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Босния ва Герцеговина Социалистик Республикаси скупшчинаси таклиф қилган.

(ТАСС).

Расмий ахборот

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Румыния Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Румыния Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри Жорже Маковеску Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 9 декабрь куни Москвага келди.

Румыния Социалистик Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида Ж. Маковескуни ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида РСРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Г. Бадрус бор эди.

А. А. ГРОМИКОНИНГ Ж. МАКОВЕСКУ БИЛАН СУҲБАТИ

9 декабрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Румыния Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзоси, Румыния Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Ж. Маковеску ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар давомида А. А. Громико билан Ж. Маковеску Совет Иттифоқи билан Румыния Социалистик Республикаси ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олдилар. Совет—Румыния муносабатларини янада самарали ривожлантириш ҳар иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, социализм ва коммунизм қуриш вазифаларини ҳал этишга, социалистик ҳамдўстлик куч-қудратини мустаҳкамлаш ишига ёрдам беради деб таъкидланди.

А. А. Громико билан Ж. Маковеску ҳар икки томонни қизиқтирган баъзи муҳим халқаро проблемаларни ҳам қараб чиқдилар. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашнинг ишини тезроқ туғаллашга доир масалаларга катта эътибор берилди.

Музокаралар дўстона, ўртоқларча вазиятда ўтди.

* * *

Шу куни А. А. Громико Ж. Маковеску шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат чоғида А. А. Громико билан Ж. Маковеску нутқ сўзладилар.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

САМИМИЙ УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин 8 декабрда меҳнат саройида Жаҳон касаба союзлари федерациясининг раиси Э. Пасторинони қабул қилди. У Жаҳон касаба союзлари федерациясининг социал-иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи маслаҳат комитети мажлисида қатнашган эди. Суҳбат давомида халқаро касаба союз ҳаракати масалалари юзасидан кенг фикрлашиб олинди.

Суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди.

Учрашувда ВЦСПС секретари П. Т. Пименов қатнашди.

(ТАСС).

«СОЮЗ-16» КЕМАСИГА ОЛИЙ БАҲО

КОСМОНАВТЛАР ШАҲАРЧАСИДА ФАЗОГИРЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ

Совет олимлари, инженерлари, космонавтлари космик тадқиқотлар программаси бўйича навбатдаги иш йилини муваффақиятли якунламоқдалар. 1974 йилда коинотга қилинган парвозларни биргина санаб ўтишнинг ўзи ҳам фазо сирларини билиш учун кенг жабҳада ҳужум бораётганлигини космик фаннинг таянч нуқталари ердаги фанлар —геология билан геодезия, биология билан медицина, электроника, бошқариш фанининг ишига айланиб бораётганлигини кўрсатади. Ой ва планеталарнинг янги разведкачилари, «Салют-3» орбитал станцияси, «Интеркосмос-12» йўлдоши, экипажлари фан-техника ва мамлакатнинг халқ хўжалиги манфаатларида турли тадқиқотларни бажарган, учувчи бошқарадиган учта «Союз» кемасининг учирилиши, «Космос», «Метеор», «Молния» туркумидаги йўлдошлар, фазога қилинган ана шу парвозларнинг қисқача рўйхатини муносиб равишда якунлайдиган парвоз — «Союз-16» кемасининг 8 декабрда муваффақиятли тугаган парвози, ана шу парвоз чоғида барча узеллар ва системалар бош репетициядан ўтганлиги «Союз» — «Аполлон» кемаларида биргаликда ўтказиладиган навбатдаги экспериментларнинг ғоят масъулиятли эканлигини тасдиқлайди.

(Давоми тўртинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Муҳим воқеа—СССР Олий Советининг иккинчи сессияси очилишига бир ҳафта вақт қолди. Бу сессия тўққизинчи беш йилликнинг туғалловчи йили—1975 йилга мўлжалланган мамлакат халқ хўжалиги планини ва бюджетини қабул қилиши керак.

Шу муносабат билан, илгари матбуотда хабар берилганидек, халқ хўжалиги плани ва бюджет, план-бюджет тармоқ комиссиялари ва СССР Олий Совети палаталарининг ёшлар иши билан шуғулланувчи комиссиялари тузган тайёргарлик комиссияларида дастлабки қараб чиқилди. Шу кунларда Кремлда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети план-бюджет комиссиялари, тармоқ комиссиялари ва ёшлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар аъзоларининг ялпи мажлислари давом этмоқда. Бу мажлислар палаталар план-бюджет комиссияларининг раислари Г. И. Вашченко ва Н. И. Масленников раислигида ўтмоқда. Ана шу комиссияларнинг таклифлари ва мулоҳазалари ялпи мажлис муҳокамасига тақдим этилди. Халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот; транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, ёқилғи-энергетика саноати, металлургия ва геология, химия, нефть химияси, ўрмон ва целлюлоза-қоғоз саноати; машинасозлик, қишлоқ хўжалиги тайёргарлик комиссиялари раҳбарларининг докладлари тингланди. Депутатлардан Р. В. Хохлов, В. А. Ливенцов, А. В. Голдобенко, А. П. Ботвин, В. К. Акулинцев, И. И. Сенькин, В. К. Марисов, А. В. Коваленколар доклад қилишди. Комиссиялар саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, фан ва халқ хўжалиги ҳамда маданиятнинг бошқа энг муҳим тармоқларини ривожлантириш проблемаларини ҳар томонлама муҳокама қилдилар.

9 декабрь куни эрталаб соат 10 да ялпи мажлис давом эттирилди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш масалалари қараб чиқилди. Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида ҳар бир палатада ўн тўртинчи доимий комиссия—халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш масалалари билан шуғулланувчи комиссия биринчи марта ташкил этилди. Бу комиссиянинг тузилганлиги, КПСС Марказий Комитети, Совет давлати КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган беш йилликнинг асосий вазифасини—совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлаш вазифасини бажаришга жуда катта аҳамият бераётганликларини яна бир марта кўрсатди. Палаталар доимий комиссияларининг аъзолари енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган проблемаларни самаралирок ўрганиш ва ишлаб чиқиш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятни, тегишли министрликлар ва идораларнинг ишини мунтазам суратда назорат қилиб туриш, халқ хўжалиги плани ва бюджетнинг халқ учун товарлар ишлаб чиқариш масалаларига тааллуқли қисмларини собитқадамлик билан чуқур таҳлил этиш имкониятига эга бўлдилар.

Халқ истеъмоли товарлари тайёргарлик комиссиясининг раиси депутат А. А. Смирнов СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилга мўлжалланган давлат плани ва мамлакат бюджетининг тегишли қисмларини дастлабки қараб чиқиш натижалари тўғрисида доклад қилди. Комиссия, деди у, масалани муҳокама қилиш вақтида СССР Госплани, СССР Молия министрлиги ва бошқа министрликлар раҳбарларининг ахборотини тинглади, мамлакатда товар ишлаб чиқариш қандай аҳволдалиги ва унинг сифати билан чуқур танишиб чиқди. Депутатлар тўққизинчи беш йиллик туғалловчи йилининг плани ва бюджети беш йилликнинг асосий вазифасини муваффақиятли бажаришни таъминлайди, деб таъкидладилар. Масалан, планда 10,2 миллиард квадрат метрдан ортиқ газлама, қарийб 1,5 миллиард дона трикотаж буюм ишлаб чиқариш мўлжалланган. Сирланган идишлар ишлаб чиқаришни 26,2 процент, чинни-фаянс идишлар ишлаб чиқаришни 10,6 процент ошириш ва халқ учун бошқа кўп молларни ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Шу билан бирга, депутатлар енгил саноат, гўшт-сут, озиқ-овқат саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларида камчиликлар ҳамда резервлар борлигини уқтириб ўтдилар. Музокараларда СССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари В. А. Чебишев, химия саноати министрининг биринчи ўринбосари Л. И. Осипенко, депутатлардан В. И. Черний, С. М. Веселов ва бошқалар қатнашди.

Шу куни савдо-сотиқ, маиший хизмат ва коммунал хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш тайёргарлик комиссиялари, иттифоқдош республикаларнинг план ва бюджетлари ҳамда давлат бюджети даромадлари тайёргарлик комиссиялари раҳбарларининг докладлари тингланди. Депутатлардан Э. К. Беман, Е. К. Федоров, М. Н. Всеволожский ва Н. Ф. Васильев доклад қилишди.

Комиссияларнинг аъзоси бўлган депутатлар муҳокама давомида СССР ҳукумати томонидан тақдим этилган келгуси йил плани ва бюджетининг тегишли қисмларини маъқуллашни таклиф этдилар. Шу билан бирга, сўзга чиққан нотиқлар мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш зарур эканлигини таъкидладилар, буюмларнинг сифатини яхшилаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматни яхши йўлга қўйиш, атроф-теварақдаги муҳитни муҳофаза этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш муҳим эканлиги ҳақида гапирдилар.

Комиссиялар тегишли тавсия ва таклифларни қабул қилишди. Доимий комиссиялар ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

МЕЛИОРАЦИЯ ХИЗМАТИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Колхозлар ўзларининг эҳтиёжлари учун қурган 400 дан ортиқ стадионлар насос станцияси ва 4000 дан ортиқ артезиан қудуқ Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ихтиёрига топширилади. Мутахассислар дастлабки 100 та насос станциясини қабул қилиб олиш учун уларнинг техникавий аҳволини текшириб кўрди.

Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё областларининг хўжаликларида айниқса кўп насос станцияси ва қудуқ қурилган. Далаларнинг рельефи ва суғориш манбаларининг ўзига хос жойланиши бу ерда сувни машина ёрдамида кўтариб беришни ёки ер тагидан чиқаришни талаб қилади. Лекин тажрибали кадрларнинг етишмаслиги, колхозларда ремонт базаларнинг йўқлиги туфайли шу иншоотлардан самарасиз фойдаланиб келинди.

Колхозларнинг насос станцияларини ва қудуқларни давлат системасига топшириш тўғрисидаги тавсиясини Ўзбекистон республика колхозлар кенгаши маъқуллади. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида «Водспецремонт» тресги тузилди, қишлоқ мелиораторларининг иншоотларини ишлатувчи кўчма механизациялашган колонналар ташкил этилди.

(ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ТАРИХИ

«Қорақалпоғистон АССР тарихи» китобининг рус тилидаги биринчи томи босмадан чиқди. Бу асарни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг тарих, тил ва адабиёт институти тайёрлади. Китобнинг нашр этилишини институт филиалининг илмий секретари Л. М. Барханскова шарҳлаб берди:

Фундаментал тадқиқотни яратиш устида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг етакчи олимлари, Хоразм воҳаси зонасини тадқиқ қилаётган Москва ва ленинградлик таниқли тарихчилар, этнографлар, археологлар ишлашди. Биринчи томда қадимий даврлардан то Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврда қорақалпоқлар тарихи ёритилган. Иккинчи том Совет Қорақалпоғистонининг йилномасидан иборат бўлади.

Халқ тарихига оид бой материал тўпланган. Китобнинг ҳажми саксон босма табоқдан иборат. Китоб Тошкентдаги «Фан» нашриётида рус тилида ва «Каракалпакия» нашриётида қорақалпоқ тилида нашр этилади.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАРОР ВА ИЖРО

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

КАЛИНИН РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИДАН

Бу куни район партия активи кўпдан кутарди. Унга ҳамма партия ташкилотларида атрофлича тайёргарлик кўрилди. Маслаҳат-кенгаш арафасида партия ташкилотларида қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш тажрибаси чуқур таҳлил қилиб чиқилди, бу ишни такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари маълум даражада аниқлаб олинди. Гап шундаки, Калинин районидаги генерал С. Раҳимов номли колхоз партия комитетининг аъзоси Тўлаган Бобоев «Совет Ўзбекистони» газетасида «Қарор ижроси билан кучли» сарлавҳали мактуби билан чиққач, Калинин район партия комитетининг бюроси қишлоқ коммунистларининг етакчилари учун партия қурилишининг ва партия ҳаётининг муҳим соҳаси — қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этиш масаласига бағишлаб маслаҳат-кенгаш ўтказишга қарор қилган эди.

Халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида ривож топган социалистик жамиятни қурди. КПСС XXIV съезди қарорларини собитқадамлик билан бажариш эса коммунизм сари дадил ривожимиз суръатларини тобора тезлаштирмоқда. Шундай экан, коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини бажаришни кадрларга ишониб қўйганимиз ҳолда айни вақтда нима учун назоратни кучайтириш ҳақида гап юритамиз? Ижрони ташкил этиш ва уни текширишни янада такомиллаштиришга эҳтиёж кучайганлигининг боиси нимада?

Бу ўринда англашилмовчилик йўқ, албатта. Ишонч ва назорат—партия ҳаётининг ленинча қонуни. Кейинги йилларда партия комитетларида аппарат ходимлари меҳнатини илмий асосда ташкил этиш, уларнинг ташкилотчилик ишига НОТ элементларини сингдиришга эътибор кучаймоқда. Бу, аввало, фаолият миқёслари кенгайганлиги, иш мазмуни чуқурлашгани билан характерланади. Маслаҳат-кенгашда ҳам худди шу масалалар партия активининг диққат марказида бўлди.

Куйбишев номли колхоз партия комитетининг секретари А. Абулқосимов бошланғич ташкилотда кадрлар билан ишлаш, уларнинг ишчанлик малакаси, ташкилотчилик қобилиятини ўстириш, шахсий масъулиятини ошириш тўғрисида гапирди.

— Бусиз бошланғич ташкилотнинг тўлақонли ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди, — деди нотиқ. — Чунки, қабул қилинган қарор кадрларнинг куч-ғайрати, шахсий ташаббуси билан рўёбга чиқарилади. Буни ўз колхозимиз мисолида аниқ кўрдик.

Дарҳақиқат, Куйбишев номли колхоз кўп йиллардан буён юксалишнинг равон йўлига чиқа олмай оқсаб келарди. Сўнгги йилларда эса давлат планлари бажарилмай қола бошлади. Колхоз коммунистлари ҳисобот — сайлов йиғилишида партия комитетига ишчан, принципиал кишиларни сайлашди. Район партия комитетининг инструктори А. Абулқосимов партия комитетининг секретари қилиб сайланди. Райком хўжалик ишларида чиниққан С. Қорабоевни колхоз правлениесининг раислигига тавсия этди. Колхозчилар уни мамнуният билан қабул қилдилар. Партия комитети ишни кадрларни жой-жойига қўйишдан бошлади. Олдинги йили хўжаликка деярли 9 минг сўм зиён келтирган чорвачилик фермасида вужудга келган аҳволни бартараф қилиш, жамоат чорвачилигини рентабелли соҳага айлантириш масаласи партия комитетида муҳокама қилинди. Ферма партия ташкилотининг секретари Бахтиёр Султонов, партбюро аъзоси, ферма мудири Маҳаммад Азизтоевлардан камчиликларни тезда бартараф этиш талаб қилинди. Чорва маҳсулдорлигини ошириш учун коммунистлар авангардлиги кучайтирилди.

Даврада қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш, таъсирчан назорат ўрнатиш ҳақида фойдали гаплар бўлди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини йўналтиришда, уларга партиявий таъсир ўтказишда райком инструкторларининг роли катталиги алоҳида таъкидланди. Лекин улар кўпчилик ҳолларда кундалик ишлар, майда-чуйда топшириқлар билан овора бўлиб қоладилар. Шу туфайли улар ўзлари белгилаб олган режаларнинг фақат 60-70 процентинигина бажаришга улгурадилар. «Кундалик оқим» уларни ўз домига чўлғаб қўяди.

— Афсуски, ҳақиқатдан шундай ҳоллар юз бериб туради, — деб сўзини давом эттирди район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров. — Ҳар соат, ҳар дақиқа кўпинча ходим олдига фавқулодда муҳим вазифаларни қўяди. Уни дарҳол бажариш лозим бўлиб қолади. Ана шунда атрофлича ўйлаб, пишиқ-пухта ташкил этилган иш изидан чиқади. Хўш, бундан қутулишнинг йўли борми?

Бу ўринли саволга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти партия қурилиши секторининг мудири, тарих фанлари кандидати И. Алимов батафсил жавоб берди. Чунончи, қарорлар, режаларни белгилашдаги коллективчиликни кадрлар шахсий масъулиятини кучайтириш билан қўшиб олиб бориш бундай нуқсонларни бартараф этишнинг асосий омилларидан бири. Жамиятимиз ривожланиб боргани сари амалий ишларимизнинг миқёслари ҳам тобора кенгаяверади. Бинобарин, шахсий масъулият ҳам ўсади.

Вазифаларни конкретлаштириш, техника воситаларидан кенг фойдаланиш бунда асосий ўрин тутаётир. Айни вақтда партия ахборотини тартибга солиш ҳам назорат самарадорлигини оширмоқда. Инструктор меҳнатини илмий асосда ташкил этиш йўлида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Назоратнинг картотека усулидан кенг фойдаланиш, бошланғич ташкилотларда эса назоратнинг журнал юритиш усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Қарорнинг мазмуни, ижрочиси ва бажариш муддатлари унда қайд этилади.

Коллектив тарзда қабул қилинган қарор қоғозда қолиб кетмаса, партия ташкилотининг ҳаёти жанговар тус олади, ҳар бир коммунистнинг ўз ташкилоти тақдири учун масъулияти кучаяди. Аксинча, эътиборсизлик бўшашувчанликни вужудга келтиради, қарорлар ўлда-жўлда бўлиб қолади. «Партия XX съезди» колхози партия комитетининг аъзоси Ғ. Субхонов сўзга чиқиб, худди шу нарса — эътиборсизлик туфайли вужудга келган бўшашувчанликнинг сабоқлари тўғрисида гапирди.

— Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишимиз ўз самарасини бераяпти, ахир халқ хўжалик планларини ортиғи билан бажариб келаяпмиз-ку деб хотиржамликка берилган эканмиз, — деди у. — Райком бюроси КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорлари асосида меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган идеология ишимизнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботимизни тинглади. Бюро мажлиси ишимизда жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатиб берди.

Райком бюросида ҳисоб берилганидан кейин партия комитети мажлисида ошкора гаплашиб олинди. Оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда бу қарорларни бажариш учун изчил иш олиб борилмоқда.

Назоратни такомиллаштириш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириш оқибат натижада хўжалик, ташкилий-сиёсий ва маданий ишларни яхшилашга, ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириб, унинг самарадорлигини оширишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда сезиларли муваффақиятларга эришишга хизмат қилиши керак. Шундагина коммунистлар кундалик ташкилий-сиёсий фаолиятлари самарасидан қаноат ҳосил қилишлари мумкин.

Калинин район меҳнаткашлари, барча коммунистлар партия қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида 123 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, кўп миқдорда бошқа ноз-неъматлар етиштирдилар. Партия ташкилотлари олиб бораётган кундалик ташкилий-сиёсий ишлар бунда муҳим роль ўйнади. Район партия активининг маслаҳат-кенгашида шу нарса яққол сезилиб турди. Маслаҳат-кенгашда муҳим таклифлар киритилди. Чунончи, партком ва партия бюроларининг бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларида сайланган аъзолари учун зоналар бўйича семинар-кенгашлар ўтказиш, уларга ташкилий,-партиявий ишларнинг усул ва услубларини ўрганишда ёрдам бериш, йирик партия комитетлари ҳузурида назорат секторлари тузиш, барча партия ташкилотларида қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақида коммунистларга мунтазам ахборот бериб боришни йўлга қўйиш тавсия этилди.

ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

редакция почтасидан

Кеча «Совет Ўзбекистони»га 71та хат, 5 та фотосурат келди. Уларда меҳнаткашлар фаровон турмушимиз, бахтли ҳаётимиздан мамнунлигини таъкидлайдилар. Қуйида ана шулардан баъзилари ёритилмоқда.

ТОЛЕИМДАН МАМНУНМАН

Мен асли бухороликман. 1930 йилда Андижонга келдим, уйли-жойли бўлдим. Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этдим. Кейин она-Ватан ҳимоясига отландим. Урушдан қайтгач, ўз севган касбим билан машғул бўлдим. 1954 йил Андижондаги ёғ-мой заводида бир йилча ишлаганимдан сўнг бахтсиз ҳодиса юз бериб, иккала кўзим ожиз бўлиб қолди. Бундан кейин чол-кампирнинг ҳолимиз қандай кечади, қай ҳолда тирикчилик ўтказамиз, деган ўй-хаёлда эдик. Бизга завод дирекцияси, касаба союз ташкилотининг раҳбарлари таскин беришди, мени инвалидликка ўтказиб қўйишди. Шу кунгача ёрдамларини аямай келишади.

Ҳозир салкам саксон ёшдаман. 1921 йилдан бери касаба союз аъзосиман. Шаҳар партия, совет, касаба союз ташкилотлари, Ўзгариш маҳалла комитети активларининг менга кўрсатиб келаётган меҳрибончиликларини айтиб адо қила олмайман.

Андижон қурилиш техникумининг талабалари ҳамда 18-ўрта мактаб ўқувчилари биздек оилаларни оталиққа олганлар. Бўлғуси қурувчилар ҳар йили келиб, уйимизни яп-янгидай қилиб, ремонт қилиб беришади. Ўтин тайёрлашади. Мактаб ўқувчилари дарвозамиз ёнига кўмир ёки ўтин тушди дегунча, дарҳол кўмакка шошилишади.

Гоҳо ўйлаб кетаман: бахтимга Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бўлмаганда қисматим нечук бўларди!

Боқувчиси бўлмаган ёки меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган гражданларга ғамхўрлик қилиш бундан ортиқ бўлмайди. Одил, чин инсонпарвар Совет давлатидан чексиз миннатдорман.

Бобомурод ота САФАРОВ,

ЎСИМЛИКЛАР ХИСЛАТИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғи мутахассислари химик, физиолог, медик олимлар билан ҳамкорликда доривор ўсимликларни Ўрта Осиё иқлим шароитига мослаштириш устида ишламоқдалар.

Доривор ўсимликларни маданийлаштириш мақсадида Тошкент областида «Правда» газетасининг 50 йиллиги» номли совхоз ташкил қилинган. Совхознинг бир бўлимининг ўзида 20 хилдан ортиқ ана шу турдаги ўсимликларни ўсиш ва ривожланиши синаб кўрилди.

Шимолий Америкада ўсадиган «кендирь» ўсимлигининг илдизидан юрак касаллигида ишлатиладиган «строфантин-К» дориси олинди. Бундан ташқари Шарқий Осиё мамлакатларида ўсадиган «Япон сафораси» дарахти ғунчасидан киши организмидаги томирларнинг эластик ҳолатини яхшилашда ишлатиладиган «рутин» препарати олиняпти.

Қ. ХЎЖАЕВ,
биология фанлари кандидати.

БАХТИЁР ҚАЛБ

Чўлда Сирлибой отани танимайдиганлар йўқ. Унинг номини эшитиш билан ҳар бир чўл кишиси «Э, ўзимизнинг оқсоқол чўпонимизми» дея дарров таърифлаб кетади. Дарҳақиқат, Сирлибой ота Саймоновнинг номи биргина Нурота районида эмас, балки областда, қолаверса бутун республикада машҳур. Отахон ҳозир олтмиш беш ёшда. Унинг таёғини елкасига ташлаб азим қум тепаларида дадил одимлаб юрганини, сурувига меҳр билан боққанини неча бор кўрганман.

Отанинг оиласини совхоздагилар «чорвадорлар оиласи» деб таърифлашади. Ўғиллари Улуғбек, Ҳусан ўзига ёрдамчи, Ҳасан эса Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб келиб, совхозда зоотехник бўлиб ишлаяпти. Сирлибой ота пиру-бадавлатлардан бири. Ўн бир фарзанднинг отаси.

— Мен яна шунинг учун бахтим бор дейманки, — дейди отахон, — эски вақтда серфарзанд одамлар ўзини бахтсиз ҳисоблардилар. Чунки камбағал оила болаларни тарбиялаб ўстириш у ёқда турсин, ўзининг кунини кўриши ҳам қийин эди. 11 фарзандни ўстиряпман. Уч ўғлим менинг йўлимдан бориб чорвадорлик қиляпти. Уч қизимни турмушга чиқарганман. Уччаласи ҳам чорвадорлар оиласига тушган. Яна беш фарзандим эса мактабда таълим олмоқда.

«Нурота» совхози 2-фермасининг бош чўпони Сирлибой ота ўз бахтини меҳнати билан қўлга киритяпти. Ҳар доим ўз касбини улуғлаб, жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу йил ҳар юз бош совлиқдан 138 қўзи олди. Мол талафотига асло йўл қўймайди.

Яйлов дарғасининг келгуси йил режалари ҳам юксак. У боқимидаги 672 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 140 тадан қўзи олишга аҳд қилган.

Ҳа, эндиликда оддий чўпоннинг эл ўртасида обрў-эътибори жуда ҳам баланд. У эллик йилдан бери яйлов кезади. Бу йиллар донгдор қўйчивонга олам-олам шодлик, бахт-иқбол, ғурур, ифтихор олиб келди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор совхознинг ҳурматли кишиларидан бири. Бунга отахон ҳалол меҳнати туфайли эришди.

М. МАРДИЕВ.
ТошДУ студенти.

* * *

Амударёлик Х. Отамуродов, боғотлик А. Маткаримов, деновлик Х. Алимардонов, А. Жўраев, М. Абдулфайзов, шофиркондик Н. Зарипов, И. Исмоилов, ғиждувонлик И. Отаев, солдат Д. Давроновлар ҳам шу куннинг мавзуида материаллар юборишган.

Тошкент бинокорлари Қорақалпоғистон АССР пойтахти Нукус шаҳрида кўп қаватли уй-жой бинолари қурилишида фаол қатнашмоқдалар. Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати вакиллари тўққиз қаватли уй-жой биноси қурилишини тугалламоқдалар. Суратларда: 1. Илғор бинокорлардан А. Петраускас, Э. Маметов, В. Моско, С. Маметов ўртоқлар. 2. Тайёр уй-жой биноларидан бири.

А. Тўраев фотолари.

БУТУН КУЧ—ЗАРБДОР ОБЪЕКТЛАРГА!

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ТЕЗРОҚ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРАЙЛИК

Республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили якунловчи босқичида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Натижада муҳим ишлаб чиқариш қувватлари, кўпгина уй-жойлар, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш муассасалари ҳамда бошқа маданий ва маиший муассасалар ишга туширилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан капитал маблағларни саккиз процент кўп ўзлаштирдилар ва қурилиш-монтаж ишларини олти процент кўп бажардилар.

Министрликлар ва идоралар пудрат қурилиш-монтаж ишларининг ўн бир ойлик планини қуйидагича бажардилар:

(Планнинг бажарилиши, процент ҳисобида: Биринчи стун — 1 ой мобайнида, иккинчи стун — ноябрь ойида, учинчи стун — шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан).

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	95	97	99,3
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	99	104	107
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	103	101	98
Главташкентстрой	103	111	103
Узколхозстрой	102	98	107
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	102	110	124
Узглавводстрой	108	103	118
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлиги	106	107	112

Ҳозирги вақтда вазифа шундан иборатки, декабрь ойининг қолган кунлари мобайнида ишга тушириладиган барча қурилиш ва объектларда ишларни тўла-тўкис тугаллаш, бу объектларни фойдаланишга топшириш ва шу билан тўққизинчи беш йилликнинг келгуси, якунловчи йилида янада муваффақиятлироқ ишлаш учун мустаҳкам замин яратиш зарур.

ОЛТИН ФОНДИМИЗ

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш савиясини ошириш, икки йилликсиз ишлаш умумий ўрта таълимга ўтишнинг асосий шартларидан биридир. Шу боисдан ҳам ўқитувчиларимиз таълимнинг самарадорлигини ошириш учун бутун имкониятларни ишга солмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кундалик ғамхўрлиги, доно ленинча миллий сиёсати туфайли барча иттифоқдош республикалар, шу жумладан, жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг гўзал пойтахти — дўстлик ва қардошлик шаҳри Тошкентимиз таниб бўлмас даражада юксалиб кетди. Мактаб-маориф соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришилди.

Ҳозирги кунда азим шаҳримизда 250 та умумий таълим мактаблари бор. Шундан 214 таси ўрта мактабдир. 13570 ўқитувчи меҳнаткашларнинг 240.000 дан зиёд фарзандларига таълим-тарбия бермоқда. Шунингдек, беш юздан зиёд болалар боғчасида олти мингга яқин тарбиячи юз мингдан ортиқ кичкинтойни тарбияламоқда.

Партия ва ҳукуматимиз халқ маорифини янада ривожлантириш учун тинмай ғамхўрлик кўрсатяпти. Бу мақсадлар учун ҳар йили кўплаб маблағ ажратилмоқда. 1974 йилда мактаблар қурилишининг ўзига 5,7 миллион сўм ажратилди. Шу йилнинг ўзида шаҳримизда 7552 ўринга эга бўлган олтита янги типовой мактаб биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган уч йил ичида эса 23 минг ўринли 21 та янги мактаб биноси қурилди. Фактлардан кўриниб турибдики, шаҳримизда йилдан-йилга ўрта мактаблар сони ортиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги мактаблар кўпайиб бормоқда.

Шу куннинг энг муҳим масалаларидан бири — ёшларнинг умумий ўрта таълимга ўтишларини таъминлашдан иборат. Бу, албатта, давлат аҳамиятига эга бўлган жуда мураккаб вазифадир. Бунинг учун аввало, умумий мажбурий таълим ҳақидаги Қонунни тўла бажариш, бошланғич таълимни ҳозирги куннинг талаблари даражасига кўтариш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, уни тинимсиз бойитиб бориш ҳамда ўқувчиларнинг пухта ва чуқур билим олишларига эришиш лозим.

Маълумки, мактабларимиз янги ўқув плани ва программалари, янги дарсликлар билан ишлашга ўтдилар. Эндиликда ёшларга фан асосларидан янада чуқурроқ билим беришга ҳаракат қилинмоқда. Бунда ишнинг мазмунли ва муваффақиятли чиқиши бевосита ўқитувчига боғлиқ. Мактабда таълим ва тарбия ишларининг асосий шакли дарсдир. Ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишлари дарсларнинг мазмуни ҳамда савияси билан белгиланади. Бу борада бир қатор мактабларнинг педагогик коллективлари дарсларнинг ғоявийлигини, партиявийлиги ва илмийлигини таъминлаш учун курашиб, яхши натижаларни қўлга киритаётирлар. Масалан, она тили ва адабиёт ўқитувчиларидан З. Баҳодирова (1-мактаб), Ғ. Азимов (24-мактаб), М. Шоаҳмедов (22-мактаб), О. В. Малахова (168-мактаб), К. И. Савченко (147-мактаб); тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси Ф. Муҳиддинов (84-мактаб Н. А. Ларина (53-мактаб), физика ўқитувчиси А. Ҳидоятов (59-мактаб), химия ўқитувчиси З. Қурбонқулов (111-мактаб), А. Сухарева (43-мактаб) ва бошқа кўпгина педагогларнинг дарсларида ўқувчилар активлик кўрсатиб, пухта ва чуқур билимга, иқтидор ҳамда кўникмаларга эга бўлмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Ўтган ўқув йилимиз илгариги йилларга қараганда анча муваффақиятли якунланди. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги яхши кўрсаткичларга эришди. Илғор ўқитувчиларимиздан тўрт мингга яқин киши ўз синфлари ва фанлари бўйича юқори ўзлаштириш берди. 89455 ўқувчи ўқув йилини аъло ва яхши баҳолар билан якунлади. Бу рақам ўтган ўқув йилига нисбатан 12355 ўқувчи ҳисобига кўпайди. 292 ўқувчи ўнинчи синфни муваффақиятли тамомлаб, олтин медаль олди.

Умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир шаҳардаги 198 ўрта мактаб кабинет системасига тўла ўтди. Ўқув кабинетлари ва устахоналарнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Ҳозирнинг ўзида мактабларимизда 240 та физика, 230 та химия, 210 та биология, 140 та техника воситалари ва 900 га яқин ҳар хил мутахассисликка оид устахоналар мавжуд. Бундай катта имкониятлардан тажрибали мактаб педагогик коллективлари ўринли фойдаланмоқдалар. Бундан кейин ҳам мактабларимизни ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган кабинетлар, лабораториялар, устахоналар, кутубхона, спорт заллари ва бошқа кўргазмали қуроллар, техника воситаларига эга бўлишларига эътиборни оширамиз.

Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, малака ошириш плани ҳар йили ортиғи билан бажарилади. 1974 йилнинг биринчи ярмида 2770 ўқитувчи қайта тайёрлов курсидан, 1800 ўқитувчи эса малака ошириш курсларидан ўтди. Шаҳарда 112 та илғор тажриба мактаби, 42 та таянч мактаб ишлаб турибди. Шу ўқув йилида факультатив дарслар савиясини оширишга, малакали ўқитувчи кадрлар танлашга, бу машғулотлар юзасидан алоҳида назорат ўрнатишга жиддий эътибор берилади.

Ёшларнинг катта қисми ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки (сменали) мактабларда билим олмоқдалар: 64 та кечки ишчи-ёшлар мактабида 25 мингдан зиёд ўқувчи ўқиётир. Уларнинг чуқур билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини бойитиш шу куннинг муҳим вазифасидир.

Юбилей ўқув йилида халқ маорифи тўғрисида Қонуннинг қабул қилиниши қувонарли ҳолдир. Қонун маорифчиларимиз учун дастуруламал ҳисобланади. Қонунни чуқур ҳамда пухта ўрганиш, уни ҳамма ерда кенг тарғиб қилиш, унда кўрсатилган талабларга қатъий риоя қилиш, барча куч ва ғайратни Қонунда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга сафарбар этиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳозирги кунда энг муҳим масалалардан бири ёшларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишларини такомиллаштиришдан иборат. Биз ёшларни коммунистик ғоявийлик руҳида, ўзининг кўп миллатли социалистик она-Ватани билан фахрланиш, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чексиз садоқат, жамоат иши учун социал жавобгарлик туйғулари руҳида тарбиялаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилмоғимиз зарур. Биз ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни бутун чоралар билан кучайтиришимиз, уларда совет кишисига хос умуммиллий ифтихор туйғуларини ривожлантиришимиз, ёшларга партия ва совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини ўргатишимиз лозим.

Маорифимизнинг олтин фонди бўлмиш мактаб ўқитувчилари, халқ маорифи бўлимлари ходимлари, унинг методист-инспекторлари учун ўз касбини билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Улар одамлар билан муомала қилишни билишлари, уларнинг қалбига йўл топиш санъатини эгаллашлари, коллектив аъзоларига меҳрибон бўлишлари, ҳамиша коллективнинг ҳақли ва адолатли фикрларига қулоқ солишлари керак.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мудири.

ЧЎЛ БЕКАСИ

Очерк

...Андижонда «Қовунбой тўпи» деган бир қишлоқ бор. Шу қишлоқлик Тошхон деган қиз болалик чоғларидаёқ ҳамманинг оғзига тушган. Болалардан шўх, ғайратли, йигитлардай бир сўзли бу қизни ҳавас қилувчилар, «ўғил бола-я, ўғил бола», деб қойиб юрувчилар ҳам кўп эди. Йиллар ўтди. Оташ-олов қиз улғайди. Лекин ўша оловлигича улғайди. Қариялар унинг келажакда бир ажойиб одам бўлишига ишонар эдилар.

Қариялар билиб айтади. Тошхоннинг ҳаёти бу ҳақиқатни тасдиқ этиб турибди. Бу ҳаётнинг ўзига яраша пиллапоялари бор. Тошхон уларнинг барчасидан шараф билан ўтиб келмоқда, биронтасида ҳам қоқилиб кетгани йўқ. Мана, у пиллапояларнинг номлари: ўқувчилик, студентлик, ўқитувчилик, райком инструктори, райком секретари, обком инструктори, яна райком секретари, райкомнинг биринчи секретари, Москвадаги Олий Комсомол мактабининг талабаси, колхоз раисаси, район ижроия комитетининг раисаси ва ниҳоят район партия комитетининг биринчи секретари... Бир марта Ленин ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган...

У қандай қилиб Бўзга келиб қолган эди? Эсида бор: Олтинкўл район комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб юрган кезлари. Москвадаги комсомол олий мактабининг тўрт ойлик курсини битириб келди, партия сафига ўтди. Шу йилларда бутун Ўзбекистон бўйлаб чўлга ҳужум авж олиб кетган, айниқса, бу Марказий Фарғона чўлларида яққол намоён бўлмоқда эди. Машъал районлар чўлдан ер олиб обод қила бошлади. Олтинкўл райони ҳам Бўритепа даштида «Янги турмуш» колхозини тузди. Колхознинг бор-йўғи 110 гектар ери бўлиб, эллик ишчи кучига эга эди. Бу кучларнинг кўпчилигини колхозга кирган шу ердаги «Ўроқлиюз» аҳолиси халқи ташкил қиларди. Район партия комитети бу колхозга раис топишга кўп меҳнат сарфлади. Бугун раис борса, эртага қайтиб келаверди, ҳеч бири колхоз аъзолари билан тил топиша олмасди.

Бир куни Тошхон ўз кабинетида ўтирган эди, район партия комитетининг иккинчи секретари Николай Иванович Потапов кириб қолди.

— Ҳа, комсомол! — деди Николай Иванович одатдагидек хушчақчақлик билан, салом аликдан сўнг: — Қўрқоқсан! — деб ҳазиллашди.

— Нимадан қўрқаман? Қўрқиб бўпман!

— Қў-е, ҳамманг қўрқоқсан! — Яна тегишди райком секретари.— Ёки ботирмисан, а?

— Бўлмаса-чи!

— Ботир бўлсанг... Чўлга юборсак борасанми?

— Бораман!

— Қани, қўлни ташла!

Ростини айтганда, Тошхоннинг кўнглида ҳам чўлга бориб ишлаш истаги бор эди. Райкомнинг биринчи секретари Турсуной Каримова йигирма тўрт ёшли қалби олов бу қизнинг меҳнатдан, қийинчиликдан тап тортмаслигини яхши биларди. Жуда яхши, ишласин, меҳнат қилсин, аёллардан чиққан раҳбар доим жонкуяр бўлади, деб Турсуной опа бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Раиса тезда далада иш бошлашни кўнглига тугди. Одамларни ишга жалб этиш керак. Лекин аъзолар истар-истамас далага чиқарди. Ҳатто колхоз аъзоларидан Алим бува раисанинг ўзига тортинмай шундай деди:

— Колхознинг даромади бўлмаса, ахир, менинг бола-чақам бор. Мен далага чиқа олмайман, мана шу томорқамни экиб-тикиб болаларимни боқаман.

Тошхон одамлар орасида колхознинг аҳволи ҳақида гапириб, уларнинг кўнглига учқун солмоқчи бўлди. Гапирди-ю, гапининг қадри бўлавермаганини кўриб, ташвишлана бошлади ҳам. Чигит экиш кампанияси яқинлашмоқда, қўшни колхозлар ерларини экишга тайёрлаб қўйишди. Унинг колхозида эса, киноя гаплар, «колхозга чиқмайман» деган сўзлардан бошқа ҳаракат йўқ... Нима қилиш керак? Қўл қовуштириб тураверсинми? Йўқ, эрталаб Олтинкўлга жўнайди: «Раисликдан кетаман», деган гапни шартта райкомга бориб айтади! Бу гапни эшитганда Турсуной Каримова:

— Чўлга боришда нима деб ўйловдинг? — деди кулиб. — Назарингда, сени жаннат кутаётгандай бўлганмиди?

Тошхон уялиб бош эгди.

— Чўллигини билардим...

— Сен ишни аъзоларингни уйига киришдан бошла! Ҳамма билан бир-бир гаплаш! — деб ўртоқлашди ўз тажрибаларини Турсуной опа. — Мана, менга ҳам осон бўлибдими? Мен отда далаларни айланиб келардим. Чоллар мени узоқдан кўриши биланоқ тескари қарашар эди. Парво қилма, колхозингнинг даромади яхшиланса, бу гаплар унутилиб кетади.

Турсуной опанинг гапларидан Тошхоннинг қалбига нур югургандай бўлди. Бироз чўккан кўнгли таскин топди.

— Чигитни қачон экаман? — деб сўради Тошхон райком секретаридан. — Одамларнинг аҳволи ҳалигидай бўлса...

— Ташвишланма, экамиз! — юпантирди Турсуной опа.

Кўпчиликнинг кучи тоғни талқон қилади, деган гапга Тошхон шу ерда ишонди. Ҳамма гап ана шу кўпчиликни жипслаштира олишда экан. У бу ҳақиқатни кейин доим эсда тутадиган бўлди. Район партия комитетининг ташаббуси билан саккиз колхоз ёрдам қўлини чўзиб, «Янги турмуш» колхозининг чигитини бир кундаёқ экиб берди. Ғўзалар ҳам ҳавас келтирадиган даражада арқон-арқон бўлиб унди. Ҳосил шу йили икки баравар ошди: гектаридан 14,5 центнердан «оқ олтин» олинди. Бир меҳнат кунига уч сўмдан тушди. Кейинги йили эса, колхоз планни бутун Фарғона водийсида биринчи бўлиб бажарди! Гектаридан олинган ҳосил 28 центнерга чиқди. Колхозчиларнинг даромади ҳам бениҳоя ўсди. Энди илғор «Янги турмуш» колхози ҳақида, унинг уддабурон, ишга партиявий руҳ билан ёндашадиган раисаси ҳақида районда эмас, областда, республикада гапирадиган бўлиб қолишди. Кўпчиликнинг меҳрини қозонишдан ортиқ бахт йўқ. Лекин, бу осонми? Бу, уйқусиз тунларни тонгларга улашдан, сўнгсиз хаёлларни орзуларга боғлашдан иборат, ахир! Йигирма тўққиз ёшли Тошхон Ҳожиқосимова Бўз район ижроия комитети раиси қилиб сайланди. Масъулият юки ортгандан ортди. Колхоз ташвиши қайда-ю район ташвиши қайда? Шамол тинса тинардики, Тошхон тинмасди, юлдузлар мизғиса, мизғирдики, Тошхоннинг киприклари илиниб-илинмасди. Қорамағиздан келган, доимо кулиб турадиган шаддод ва ҳазилкаш бу аёлни энди районнинг ҳар жойида кўрардилар. У пахта етиштириш, юқори ҳосил олиш учун курашарди. Айни вақтда район меҳнаткашларининг фароғати, ороми устида ҳам бош қотирарди. Халқнинг маданий-маиший ҳаёти яхши бўлса, пахтадан, пилладан, маккажўхоридан ва бошқа деҳқончиликлардан албатта юксак унум бўлади, деган ақидага амал қиларди у. Районда «Роҳат» дам олиш зонаси барпо этилди, колхозларда кўплаб турар жой бинолари қад кўтарди, район марказида эса, янги дорихона очилди, пахта заводи ишга тушди, «Савдо маркази» қуришга киришилди. Бир ярим миллион сўм сарф қилиниб типовой касалхона қуриш ҳам мўлжалда бор. Район ерларида ҳозир беш юз гектар боғ-роғ шовуллаб, кўзни яшнатиб ётибди. Яна шунча майдон боғ бўлиш арафасида... Буларнинг ҳаммасини кўриб Тошхоннинг ўзи ҳам дилдан қувониб қўяди. Бундан ўн йиллар чамаси аввал Бўз чўл исканжасидаги бир жой эди. Ҳозир эса, Бўзни чаман деса ҳам бўлади, боғ деса ҳам, шаҳар деса ҳам! Ободлик ҳақида луғатда неки ибора бўлса Бўзга нисбатан берсангиз ҳаққингиз кетмайди.

Партия ва халқ бу камтарин коммунист аёлга катта ишонч билдирди: у шу йил бошида Бўз район партия комитетининг биринчи секретарлиги лавозимига кўрсатилди. У йиллар мобайнида синовдан ўтказган ҳаётий принципга — кўпчиликка таяниб ишлаш принципига партиявий изчиллик билан амал қилди. Кўпчиликни дили нима билан тепаётганини билиш керак. У ҳар қандай мушкулга чора топади. Пахта тақдири ҳақида Манноп Жалолов, Абдуназар Сойибназаров ёки Рўзимат Зокиров каби илғор раислар билан маслаҳатлашадими, Абдуфаттоҳ Солиев ёки Оминахон Ҳамидова каби механизаторлар ишидан хабар оладими, ободончилик ҳақида қариялар билан суҳбатлашадими, ёки маиший турмуш тўғрисида онахонларнинг мулоҳазаларини эшитадими — ҳар қайси ҳолатда ҳам ҳал қилувчи сўзни район партия комитетининг биринчи секретари айтади. Райондаги каттадан-кичик Тошхонни, ёш бўлишига қарамасдан «Она» деб қадрлайди. У ҳукумат ва халқ ишига садоқати учун ҳам шундай ҳурматга сазовордир. Унинг шодлиги ҳам, ташвиши ҳам кўпчилик билан. Халқнинг оғирини енгиллаштиришни ўйлайди у.

Ғафур Ғуломнинг «Тошхон деган ой қизларга» номли машҳур шеъри ёдимга тушади. Назаримда, шоир бу шеърни бизнинг қаҳрамонимизга атаб ёзгандай кўринади.

Тошхон деган ойқизлар, ҳаттоки хаёлингиз
Узун-узун кечалар менга бермайди ором.
Хатларингизни ўқиб, дутор билан куйлайман,
Ушбу шеърий мактуб-ла сизга айтаман салом.
Ҳаммаси сизникидир — бу ердан осмонгача,
Ҳаммаси сизникидир — тепиб турган жонгача.
Мазмун ҳам сизникидир, ҳаёт ҳам сизникидир,
Энди келажак ҳам бағри кенг жаҳонгача!

Шоир бугунги кунимизни аён кўрган эди. Ҳаммаси, дарҳақиқат, жони тошдан бўлган онахон қизларники: ер-у осмон ҳам, тепиб турган жон ҳам, барқ уриб турган ҳаёт ҳам, келажак ҳам, кенг ёруғ жаҳон ҳам. Ана шуларнинг тетик қаторига бугун Марказий Фарғона чўлларини гулга буркаётган, жонажон Ўзбекистоннинг шаънига шаън қўшаётган ўзбек аёли, Бўз район партия комитетининг биринчи секретари Тошхон Ҳожиқосимова ҳам дадил қадамлар билан бормоқда.

Муҳаммад АЛИ.

М. ТУРСУНЗОДА НУТҚИ

ҚОҲИРА. 10 декабрь. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг бу ерда бўлиб ўтган 1-сессиясида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси Мирзо Турсунзода нутқ сўзлади.

«Янги орган— Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг тузилиши, — деди у, — бирдамлик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлашга, тараққиёт, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган янги кучларни антиимпериалистик ҳаракатга жалб этишга ёрдам беради».

М. Турсунзода араб мамлакатларининг Исроил босиб олган араб территорияларини озод қилиш йўлида ягона фронт бўлиб ҳаракат қилишга интилаётганлигини табриклади ва Работда араб давлатлари бошлиқлари кенгашининг натижаларига юксак баҳо берди. Мазкур кенгаш натижалари ҳеч шубҳасиз, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишга катта ҳисса қўшмоғи керак.

М. Турсунзода Фаластин озодлик ташкилоти Фаластин халқининг ягона қонуний вакили деб эътироф этилганлигини мазкур кенгашнинг муҳим қарори деб атади.

У шунингдек, социалистик лагердаги халқлар, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ва барча халқаро демократик ҳаракатлар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган Африка халқларининг курашига тўхталиб ўтди.

«Мана шу кураш натижасида деди М. Турсунзода, — Гвинея-Бисау мустақилликка эришди, Ангола билан Мозамбик ҳам мустақил бўлиши керак». У Гвинея-Бисау, Мозамбик ва Ангола халқларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги курашининг мана шу энг муҳим босқичида уларга ҳар тарафлама ёрдам ва мадад бериш юзасидан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти конкрет тадбирлар программасини қабул қилиши лозим эканлигини таъкидлади.

М. Турсунзода ўз нутқининг охирида фашизм ва япон милитаризми тор-мор этилганлигининг 30 йиллиги ва бу ғалабанинг Осиё ҳамда Африка халқлари олиб бораётган миллий-озодлик курашига таъсирининг оламшумул-тарихий аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб ўтиш зарур, деди.

ССРНИНГ ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК. 10 декабрь. (ТАСС). Совет Иттифоқи ҳарбий ва бошқа мақсадларда халқаро хавфсизликни таъминлаш манфаатларига ва кишиларнинг сиҳат-саломатлигига зид бўлган бошқа мақсадларда табиий муҳитга ва иқлимга таъсир кўрсатишни ман этувчи халқаро битим тузишни таклиф қилган эди. БМТ Бош Ассамблеяси катта кўпчилик овоз билан Совет Иттифоқи ташаббусини маъқуллади.

126 мамлакат делегацияси Совет Иттифоқи таклиф этган лойиҳани назарда тутган ҳолда ўзаро келишилган битим текстини тузиб чиқишни ва ўз ишининг натижалари тўғрисида Бош Ассамблеянинг навбатдаги XXX сессиясида маълум қилишни Женевадаги қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи комитетига тавсия этувчи резолюция учун овоз берди. Беш мамлакат делегацияси, шу жумладан, АҚШ овоз беришда бетараф қолдилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ 69 ПРОЦЕНТИ РЕСПУБЛИКА ТАРАФДОРИ

АФИНА, (ТАСС). Греция халқи монархиянинг тикланишига қарши, республикани ёқлаб чиққанлигини қатъий изҳор этди. Сайловчиларнинг 69 проценти кечаги референдумда республика тузумини ёқлаб чиқди, 31 процент сайловчиларгина монархияни ёқлаб овоз берди.

Референдумнинг дастлабки натижалари маълум бўлгач, афиналик юз минглаб шодмон аҳоли бу воқеани байрам қилгани кўчаларга чиқишди. Оппозициядаги барча партиялар референдумнинг натижаларини демократиянинг ғалабаси сифатида табриклаб, монархия тузуми ҳамиша реакциянинг асосий таянчи бўлиб келганлигини таъкидлади.

Бош министр К. Караманлис референдум натижалари малакатда давлатни бошқариш формаларида бўлган ноаниқликка ниҳоят хотима қўяди, деди. Ҳукумат расмий намояндасининг сўзига қараганда, К. Караманлис ҳозирги вақтда Лондонда яшаб турган қирол Константин мамлакатга ҳатто хусусий шахс сифатида ҳам қайтмаслиги керак, деб ҳисоблайди.

17 ноябрда сайланган Греция парламентининг биринчи сессияси бугун очилади. У яқин кунлар мобайнида республиканинг муваққат президентини сайлайди.

КИПРДАГИ ВАЗИЯТ

НИКОЗИЯ. 9 декабрь. (ТАСС). Президент архиепископ Макариоснинг мамлакатга қайтиб келганлигига Кипр жамоатчилиги ва матбуоти жуда катта эътибор бермоқда. Оролда осойишта вазият ва тартиб ҳукм сурмоқда. Кипрликлар Макариоснинг оммавий митингда сўзлаган нутқини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Макариоснинг низони бартараф этиш ҳамда Кипр проблемасини ҳал этиш йўлини излаш мақсадида кипрлик турклар билан музокаралар олиб бориш ниятида эканлиги тўғрисидаги сўзлари алоҳида уқтириб ўтилмоқда.

Мамлакатда конституцион тартиб ва қонунларни тиклаш йўлида ҳали кўпгина қийинчиликлар ва тўсқинликлар борлигини Кипрдагилар яхши тушунадилар. Душман кучларнинг Кипрдаги греклар билан турклар ўртасида миллий адоват келтириб чиқаришга уринишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу билан бирга кипрликлар Кипр масаласини тинч демократик йўл билан ҳал этиш учун барча имкониятлар мавжуд, деб ҳисобламоқдалар. Бунинг учун барча ажнабий қўшинларни оролдан чиқариб юбориш ва Кипрнинг ички ишларига четдан аралашувни тугатиш керак. Шу муносабат билан Кипрдаги аҳвол тўғрисида Совет—Франция ахборотида айтилган фикрларга бу ерда катта баҳо берилмоқда. Мазкур ахборотда, жумладан Кипр Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш зарурлиги таъкидланади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **ВАРШАВА.** Рибник кўмир ҳавзасида Польшада энг йирик конлардан бири бўлган «ПХРнинг 30 йиллиги» шахтаси ишга туширилди. Шахтада ҳар куни 15 минг тонна коксланадиган юқори сифатли кўмир қазиб чиқарилади.

✦ **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Бу ерда «Совет Иттифоқи болалари чизган расмлар» деган виставка очилди. Виставкани Ғарбий Берлин радиотелевидение компанияси Совет Иттифоқи халқ маорифи органларининг кўмаги билан ташкил этди.

✦ **РИМ.** Италиянинг Лацио областида янги фашистларнинг қилган жиноятларини текширувчи махсус комиссия тузилди. Комиссия составига турли сиёсий партияларнинг, шу жумладан, коммунистик, социалистик, христиан-демократик партияларнинг вакиллари кирди.

✦ **ПАРИЖ.** Испаниядан хабар беришларича, Барселона ишчиларидан бир неча минг киши забастовка эълон қилган. Барселона Испаниянинг энг йирик индустриал шаҳридир. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилиши ва репрессияларнинг тўхтатилишини талаб қилмоқдалар.

✦ **АДАН.** Уммон халқ озодлик фронтининг жангчилари Ғарбий Уммоннинг Дофар вилоятида Султон Қабуснинг ёлланма қўшинларига қарши актив уруш ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Бу ерда эълон қилинган фронт ахборотида хабар қилинишича, сўнгги ой мобайнида ёлланма қўшинлардан 25 киши ўлдирилган ва ярадор қилинган. Жанглар Сарфит ва Акирит районида олиб борилмоқда.

✦ **ХАНОЙ.** Озодлик матбуот агентлигининг хабар беришича, Сайгон ҳарбийлари шу йилнинг ноябрь ойи ичида Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати назорати зонасидаги Хюэ шаҳридан шарқи-жанубда жойлашган Мотяку, Нуйбонг ва бошқа бир қанча районларнинг территориясини босиб олиш операциясини давом эттирган. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Париж битимини бузувчиларга муносиб зарба бердилар.

(ТАСС).

ВЕНГРИЯ. Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мутахассисларининг атроф-муҳитни ифлосланишидан муҳофаза қилишга бағишланган биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Суратда: анжуман иштирокчилари Будапештдаги Кишпешт иситиш марказида ташкил этилган виставкани кўздан кечирмоқдалар.

МТИ—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ГДРГА ВИЗИТ

БЕРЛИН. Испания Компартияси делегациясининг Германия Демократик Республикасига қилган визити, деб таъкидлади ГДР телевидениесига берган интервьюсида делегация бошлиғи, Испания Компартиясининг Бош секретари С. Каррильо, Испания Компартияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасидаги дўстликни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳозирги дунё, деди у, албатта тинч-тотув яшаши керак. Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг сиёсати туфайли, шунингдек, Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва салмоғи туфайли бугунги кунда тинч-тотув яшаш реалликка айланди. Шу билан бирга, деб уқтириб ўтди С. Каррильо, капиталистик мамлакатларда тинчлик ва тинч-тотув яшаш сиёсатини рўёбга чиқариш учун кураш олиб бориш зарурлигини ҳам тушунамиз.

МИШКОЛЬЦ БАЙРАМИ

БУДАПЕШТ. Катталиги жиҳатидан Венгрия Халқ Республикасида иккинчи шаҳар бўлган Мишкольцнинг кўчалари ва майдонлари байрам либосини кийган. Совет қўшинлари 30 йил муқаддам қаттиқ жанглардан кейин Мишкольцни гитлерчилардан озод қилганлар.

Мишкольц — социалистик Венгриянинг энг йирик саноат марказларидан бири. Ленин номли Диошдьер металургия комбинатининг, машинасозлик ва цемент заводларининг маҳсулоти мамлакат доирасидан узоқ жойларда ҳам машҳур.

Шаҳар меҳнаткашлари Венгрия Социалистик ишчи партиясининг бўлажак XI съезди ва Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 30 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик меҳнат мусобақасида актив иштирок этмоқдалар. Диошдьер комбинатининг металлурглари шаҳар озод қилинганлиги юбилейи арафасида катта муваффақиятга эришганликлари тўғрисида мамлакатга рапорт бердилар: корхонадаги 1.100 социалистик меҳнат бригадаси съезд олди ўз социалистик мажбуриятини муддатидан бир ой илгари бажарди.

Шаҳар билан Совет Иттифоқи ўртасида маҳкам алоқа ўрнатилган, маркази Мишкольц бўлган Боршод области Волгоград области билан биродарлашган. Диошдьер металлурглари билан Запорожье металлурглари ўртасида, Мишкольц университети билан Харьков политехника институти ўртасида яхши алоқалар мавжуд. Бинобарин, пролетар Мишкольц шаҳрининг аҳолиси ўз озодлигининг 30 йиллигини нишонлай туриб, Венгрия диёрини сариқ вабодан халос қилган совет халқига самимий миннатдорчилик изҳор этади.

СОВЕТ МЕДИЦИНА АДАБИЁТИНИНГ ШУҲРАТИ

СОФИЯ. Совет медицина адабиёти Болгарияда ғоят манзур бўлмоқда. Сўнгги беш йилнинг ўзидагина мамлакатда таниқли совет медикларининг қарийб 3.700 номдаги асарлари медицина фани ва практикасининг турли соҳаларига оид дарсликлар, оммабоп брошюралар тарқатилди.

Шу билан бирга Болгария медицина нашриётлари совет олимларининг айрим асарларини эълон қилмоқдалар. Яқин йилларда Болгарияда совет муаллифларининг медицинанинг муҳим проблемаларига оид илмий асарларини ўз ичига олган бир неча китоб чиқарилади.

(ТАСС).

ХХРНИНГ ГОНГКОНГДАГИ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ

СИНГАПУР, (ТАСС). Гонгконгда жами капитали 1 миллиард 200 минг доллардан иборат 80 га яқин молия муассасалари расмий равишда Хитой Халқ Республикаси қарамоғидадир. Пекин шу банклар орқали Англиянинг Хитой территориясида жойлашган мазкур мустамлакасида ўзининг валюта—молия операцияларини амалга оширмоқда. «ФАР истен экономик ревью» журналининг таъкидлаб ўтишича, Гонгконг ҳозирги вақтда Америка, Япония ва Хитой капитали ўртасида чинакам жанг майдони бўлиб қолди.

КУРАШ ТЎХТАМАЁТИР

Чилидаги ҳарбий фашист диктатура амалга ошираётган қаттиқ репрессиялар чилилик ватанпарварларнинг жанговар руҳини синдиролмади. Мамлакатда Чили халқининг жаллодларига қаршилик зўрайиб бормоқда.

Хунтанинг расмий эътироф этишига кўра, Консепсьон шаҳрининг Лоренсо Аренас райони да тинтув чоғида полициячилар ва солдатларга қарата ўт очилган. Қурбонлар бор.

Чили Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси, Чили Коммунистик ёшлар марказий комитетининг бош секретари Гладис Марин ЧТК мухбири билан қилган суҳбатида шундай деди: Бизнинг фаолиятимиз Пиночетнинг фашист хунтасига қарши Чили меҳнаткашлари олиб бораётган кураши билан чамбарчас боғланган.

Халқ бирлиги ҳукумати амалга оширган идеалларни рўёбга чиқариш учун олиб борилаётган кураш оғир шароитларда бўлаётганлигини биламиз, деди у. Шуларга қарамай пировардида ғалаба бўлишига ишонамиз.

(ТАСС).

«АНАКОНДА» ИСКАНЖАСИДА

Американинг «Анаконда» ва «Кеннекот» компаниялари Чили мисига яна хўжайинлик қила бошладилар. Улар маъдан қазиб олиш ва мисни жаҳон бозорида пуллашни тўла назорат қилмоқдалар. Бундан ташқари АҚШ концернлари Сальвадор Альенде ҳукумати пайтида тўланмай қолган ҳақлари эвазига хунтадан 253 миллион доллар «компенсация» оладилар. Шу пулнинг 65 миллиони тўлаб бўлинди. Банклар ҳам аввалги эгаларига қайтариб берилди. Молия яна йирик миллий ва халқаро монополистик группалар қўлига ўтиб қолди.

Савдо-саноат доиралари зўр бериб Халқ бирлиги ҳукмронлик қилган уч йил ичида йўқотган ҳамма нарсаларини ундириб олишга уриняптилар. Озиқ-овқат, дори-дармон сингари энг зарур бўлган маҳсулотлардан тортиб турмушда керак бўладиган барча буюмларга хоҳлаганларича нарх қўйиб сотмоқдалар. Масалан, ҳарбий тўнтаришгача бир килограмм нон 11 эскудо турарди. Ҳозир унга 380 эскудо тўлашяпти. Ярим литр сут 7 эскудо эди, ҳозир 200 га чиқди. Капиталистлар фақат меҳнат ҳақини оширганлари йўқ, аксинча, унинг баҳоси пасайиб кетди.

Ҳарбий хунта Чилини хорижий капитал эгалари учун жаннатга айлантирдилар. Июль ойининг ўрталарида «хорижий сармоячилар устави» деб номланган декрет қабул қилинди. Бу ҳужжат чет эл капиталининг муддатини қисқартирмайди, балки 20 йилга ва ундан узоқ муддатга битимлар тузишга имкон беради. Америка монополиялари назорат қилиб турган халқаро валюта фонди Чилининг бутун экономикаси устидан ҳукмронлик қилмоқда.

Таможня тарифларининг қисқартирилиши мамлакатга импорт молларининг ёғилиб келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида 700 дан ортиқ майда ва ўрта фирмалар хонавайрон бўлди. Бу фирмаларнинг эгалари чет эл компаниялари билан рақобат қилолмай инқирозга учрадилар.

Чет эл капиталига, биринчи галда Америка капиталига катта имтиёзлар берган фашист хунтасининг сиёсати Картахен битимига зиддир. Бу битимни Анд группа давлатлари доирасида Боливия, Колумбия, Эквадор ва Чили имзолаган эди. Мазкур битимга кўра, ўзаро шерик давлатлар чет эл капитали эгаларига яратиб берадиган шароитлар миллий капиталдан устун бўлмаслиги, хорижий капиталнинг мамлакатдаги муддати 15 йилдан ошмаслиги керак. Ана шу муддат тугагандан сўнг корхона тўлалигича давлат назоратига ўтиши шарт қилиб қўйилганди. Пиночет тўдаси бу битим қарорларини писанд қилмай қўйди.

Хунтанинг иқтисодий сиёсати Чили халқи ва мамлакат тараққиёти учун ҳалокатлидир. Миллий ишлаб чиқариш ҳажми қисқариб бораётир. Хусусан, озиқ-овқат саноатида миллий даромад 12 процентга камайиб кетди. Инфляция, ишсизлик тўхтовсиз ўсмоқда. Четдан тушаётган валютанинг асосий қисми қишлоқ хўжалигидаги камоматни қоплашга сарфланяпти. Давлат қарзи кунига бир ярим миллион долларга ўсиб боряпти. У ҳозир 4 миллиард доллардан ҳам ошиб кетди. Айни пайтда қурол-яроғ сотиб олишга катта маблағ сарфланяпти. Жумладан, ҳарбий-ҳаво кучларини тўлдириш учун 70 миллион доллар сарфлаб қўйилди. Хунта иккита миноносец сотиб олди ва танк ҳамда ракеталар харид қилиш учун музокаралар олиб боряпти. Пиночет тўдаси мамлакат экономикасини тургунликка олиб келди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, мамлакатдаги фашистик тузум хорижий монополиялар ёрдамида ўрнатилди.

Карлос РИВАС,
Чили журналисти, (АПН).

ФОТОЛАВҲАЛАР



Еревандаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Армэлектромаш» фирмаси янги ДАЗО двигателларини кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Жаҳондаги 70 мамлакатга маҳсулот етказиб берувчи бу корхонанинг янги двигателлари электрстанциялар, кўмир конларида, химия ва металлургия саноати корхоналарида кенг қўлланилади. Суратда: двигатель йиғув цехи.

Челябинск. КПСС Ленин район комитети ходимлари жамоатчилик асосида партия ахбороти кабинетни ташкил қилдилар. Партия, совет ва хўжалик органлари фаолияти тўғрисида райкомга келувчи барча маълумотлар шу кабинетда тўпланади ва тартибга солинади. Бунда техника воситалари ходимларга жуда қўл келмоқда. Суратда: партия ахбороти кабинети.

ТАСС фотохроникаси.

Чех усталарининг биллур буюмларига жаҳон бозорида талаб катта. Железни-Брод шаҳридаги бадиий шишасозлик заводининг ўзи юздан ортиқ мамлакатга маҳсулот етказиб бермоқда.

ЧТК—ТАСС фотолари.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

«Тошкент» марказий сейсмик станциясидан хабар беришларича, кеча — 10 декабрь тонгда ер қимирлаган. Ер силкинишлари маркази республика пойтахтидан 505 километр узоқда, Афғонистон территориясида. Силкиниш ер юзасидан катта чуқурликда бўлгани сабабли, унинг кучи кўп ерда айтарли сезилмади. Тошкентда ер қимирлаш 3 баллга етди. (ЎзТАГ).

„СОЮЗ-16“ КЕМАСИГА ОЛИЙ БАҲО

(Боши биринчи бетда).

Москва яқинидаги аэродром. Космонавтлар мана шу ердан стартга учиб кетадилар. Бу ерда уларни фазога қилинган сафарлардан кейин кутиб олишади.

Кутиб олувчилар орасида космонавтларнинг қариндош-уруғлари, олимлар ва конструкторлар, космонавтларни тайёрлаш марказининг раҳбарлари, ракета космик системаларининг бунёдкорлари бор. Уларнинг ҳар бири қаҳрамонлар учун ўзларининг ташаккур сўзларини ўйлаб қўйишган, лекин «Союз» — «Аполлон» программаси бўйича парвозга тайёргарлик кўраётган бошқа учта экипаж аъзоларининг Анатолий Филипченко билан Николай Рукавишников орбитадан қандай «юк» олиб қайтиб келганликлари билан алоҳида қизиқишлари табиийдир.

Ана шу фазогирлар дружинасининг ҳақли равишда оқсоқоли Алексей Леонов жанговар кайфиятда.

— Мана энди йигитларни кутиб оламиз, — дейди у ёнидаги дўстларига, — Улар бир-икки кун дам олишгач, дарҳол парвозни таҳлил қилиб чиқиш учун давра қурамиз.

Мана шу «Союз-16» кемасининг командири ва борт инженери белги қўйган борт журнали орбитада биринчи халқаро экспериментни тайёрлаётган барча кишиларнинг дарслик китоби бўлиб қолади. «Союз» — «Аполлон» лойиҳасининг учрашувига келган раҳбарлари, «Интеркосмос» кенгашининг вакиллари, олимлар, конструкторлар бу фикрга қўшиладилар.

Космонавтлар тушган ҳаво лайнери бетон плита ётқизилган майдончага қўниб, тантанали учрашувлар ўтказиладиган жойга келиб тўхтайди. Анатолий Филипченко билан Николай Рукавишников трапдан тушадилар. Фазогирлар шаҳарчасининг энг ёш гражданлари уларга биринчи бўлиб гул тақдим этадилар. Экипаж командири фахрий программа бажарилганлиги тўғрисида маълум қилади. Мана иккала қаҳрамон ҳам дўстлар оғушида. Уларни совет космонавтларини тайёрлаш раҳбари авиация генерал-майори В. А. Шаталов, совет томонидан «Союз — «Аполлон» лойиҳасининг техника директори К. Д. Бушуев, конструкторлар, парвозни тайёрлаган мутахассислар табриклайдилар.

Лекин Самоғий шаҳарчада ҳали асосий учрашув олдинда турибди. Космонавтлар шаҳарчасининг аҳолиси хиёбон майдончасида тўпландилар. Бу ерда Юрий Гагариннинг ҳайкали ўрнатилган. Эндиликда космонавтларни тайёрлаш маркази ҳам унинг номига қўйилган. Космонавтлар ана шу тантананинг барча иштирокчилари ҳамроҳлигида космосга биринчи бўлиб йўл очган кишининг ҳайкалига гуллар қўйишади. Шундан кейин «Союз-16» кемасида космик парвознинг муваффақиятли тугашига бағишланган митинг фазогирлар шаҳарчасининг маданият уйида бўлиб ўтди. Бу ерда сўзга чиққан тайёрлаш марказининг раҳбари авиация генерал-майори Г. Т. Береговой, етакчи конструкторлар, партия ва комсомол ташкилотларининг намояндалари космонавтларни ер атрофи орбитасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган тағин бир иш билан қизғин табриклаб, экипажнинг маҳорати ғоят ўсганлигини ва юксак профессионал кўникмаларини таъкидлаб ўтдилар. Митинг иштирокчилари «Саюз-16» кемасининг муваффақиятли парвози Совет ва Америка халқлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган салмоқли ҳисса бўлганлигини таъкидладилар.

Микрофон ёнига кема командири Анатолий Филипченко келади. У бундай дейди: ана шу ажойиб кемани парвозга тайёрлаган Ватанимиз учун, мутахассислар катта коллективининг меҳнати учун ифтихор ҳислари бугун бизнинг юракларимизни тўлдириб турибди. Парвоз олдидан биздан янги техникага нисбатан қаттиқ талабчан бўлишни, ҳар бир нуқсонини ҳисобга олиб қўйишни илтимос қилишган эди. Биз бугун конструкторларга шуни маълум қиламизки, бирорта ҳам майда-чуйда камчилик орбитадаги иш вақтида бизнинг кайфиятимизни бузгани йўқ.

Биз ер юзида кескинликни юмшатиш учун биринчи халқаро космик программанинг бутун аҳамиятини тушунган ҳолда, деди митингда сўзга чиққан борт инженер Николай Рукавишников, парвозга алоҳида масъулият билан тайёрландик. Бизнинг сарфлаган куч-ғайратларимиз муваффақиятли чиқди. Шунинг учун ҳам биз конструкторларга жўр бўлиб: «Союз» кемаси «Аполлон» кемаси билан туташишга тайёр, деймиз.

Космонавтлар шаҳарчасидаги тантанали учрашув маросими анъанага биноан космонавтларга парвознинг рамзий калитини топшириш билан тугади.

Митинг иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Мутахассислар шу куни «Союз-16» кемаси экипажининг иш ҳисоботини тингладилар. Фазога қилинган бу сафарга аъло баҳо берилди.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
А. РОМАНОВ,
ТАСС мухбирлари.

Космонавтлар шаҳарчаси.

ҲАР ТЎҒРИДА

УЙДА ДАСТУРХОН ЯСАТИШ

СОФИЯ. Агар уй бекаси кундузи ишда бўлиб, кечқуруи уйда меҳмонларни кутадиган бўлса, у Шоҳ Симеон номли кўчадаги бюрога мурожаат қилиши мумкин. Олдиндан ошпаз билан официант келиб таомларни тайёрлайдилар, дастурхон ясатиб қўядилар Болгариянинг пойтахтида бу бюро биринчи ноябрдан бери ишлай бошлади. Бюронинг ихтиёрида умумий овқатланишнинг малакали мутахассислари бор. Бюро шаҳардаги энг яхши ресторанлар билан алоқа боғлаб, мижозларининг хоҳишига биноан уйга исталган таомни етказиб беради.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУДЕК РЕПЕРТУАР

БУХАРЕСТ. Бистрица — Насэуд уездига қарашли Лешу қишлоғининг 80 ёшли фуқароси Мария Прекуп халқ қўшиқларини қойил қилиб ижро этиши туфайли ғоят машҳур бўлиб кетди.

Унинг репертуари бой ва ранг-барангдир: қарийб 2 мингта қадимий қўшиқлар, балладалар, анъанавий халқ услубида ижро этиладиган маросим ашулалари бор.

Мария Прекупнинг қизи ҳам оилавий анъанага амал қилиб, халқ қўшиқларини зўр муваффақият билан ижро этади.

КЕКСА УСТАНИНГ СИРИ

ЖАКАРТА. Марказий Явадаги Вирун қишлоғидан бўлган кекса уста Ресовигунонинг номи Индонезияда энг олис жойларда ҳам қадимий халқ санъати билағонлари ва шинавандаларигагина яхши маълум бўлиб қолмасдан, мамлакатдан олис-олис ерларда ҳам машҳурдир. Унинг касби-кори гамеланлар — Ява оркестри учун зарб билан чалинадиган асбоблар — катта гонг тайёрлаб беришдан иборат. Кўпдан-кўп Ява урф-одатларидан бирортаси ҳам гамелансиз ўтмайди, халқ байрамларида ҳам, расмий маросимларда ҳам гамелан албатта жўр бўлади. Агар гамелан Ява турмушининг рамзи бўлса, катта гонг гамеланнинг юрагидир.

Гамеланлар учун Индонезияда асбоб ишлаб чиқарадиган устахоналар бармоқ билан саналарли даражада оздир, катта гонг ясашнинг сири эса биргина кекса Ресовигунога маълум.

ТАҒИН «МАТРИАРХАТ»

НЬЮ-ЙОРК. Жоржия штатидаги Уолтаурвилл шаҳри эҳтимол бутун дунёда бўлмаса ҳам, Қўшма Штатларда аёллар идора қиладиган яккаю ягона шаҳардир. Шаҳарнинг мэри Линдол Андерсен ва муниципалитет аъзолари бўлган беш аёл ана шу лавозимга шу йилнинг баҳорида штатнинг қонун чиқарувчи мажлиси томонидан, улар Жоржия қонун чиқарувчилари томонидан Уолтаурвилл шаҳарлар қаторига киритилишига эришганларидан кейин тайинланган эди. Бунга қадар аҳолиси 418 киши бўлган бу жой посёлка ҳисобланарди.

Яқинда Уолтаурвиллда маҳаллий маъмурларнинг янги сайлови бўлиб ўтди. Шаҳарни ўз қўлида бошқариб турган олти аёлга номзоди кўрсатилган эркаклар қарши чиқишди. Шаҳар мэри лавозимига номзод Эдвуард Рожерс сайлов олдидан бундай деди: мен аёл киши мэр бўлишига ҳеч қандай қаршилик қилмайман, лекин «шаҳарни бошқаришда эркаклар ҳам қатнашса тинчроқ бўлади».

Овозларни санаб кўришганида шаҳардаги сайловчиларнинг қарийб учдан икки қисми аёлларни ёқлаб овоз беришган экан.

ЭРМАГИДАН ВОЗ КЕЧДИ

ЛОНДОН. Почта хизмати нархининг тез ўсиб кетганлиги хат тўқиш бўйича жаҳон «рекордчиси» Реймонд Кентвеллни ўз хоббиси — эрмагидан воз кечишга мажбур қилди. Оксфорд шаҳрида истиқомат қилувчи 53 яшар Кентвелл чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида турли мавзуларда хат ёзиш билан шуғулланиб келди. Баъзан унинг қалами кунига юздан ортиқроқ хат ёзишга улгурарди. Бу хатларидан 25 мингтадан зиёдроғи жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг газета ва журналларида эълон қилинган.

Эндиликда хат ёзиб жўнатиш машғулоти жуда қимматга тушадиган бўлиб қолди. Бунинг устига қоғознинг, конвертнинг, авторучканинг нархи тобора қимматлашиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам мен ўз эрмагим билан хайрлашишга мажбур бўлдим, деди рекордчи журналистларга. (ТАСС).

ОҚ ТЕРАК

ШУҲРАТ

ҲИКОЯ

Теракнинг бир неча хили бор. Шулардан энг чиройлиги, Шавкатнинг фикрича, оқ терак.

— Нима бошқалари хунукми? — десангиз, дарров жавоб қайтаради:

Йўқ, улар ҳам чиройли, лекин энг чиройлиги оқ терак.

Шавкатнинг бундай дейишининг, албатта, сабаби бор.

Сабаби шуки, у эсини таниб, шу оқ теракни кўрган.

Кўрибгина қолган эмас, тарихини ҳам эшитган. Буни Шавкатнинг дадаси армиядан қайтиб келиб, биринчи марта елкасига миндириб, гузарга олиб чиқиб кетаётганда айтиб берган.

Ўша куни Шавкат дадасининг тиззасидан тушмади, гўё тушса, дадаси яна кетиб қолаётганга ўхшади. Дадаси билдики, ўғли жуда соғинган, соғинганда ҳам жуда қаттиқ соғинган. У гузарни айлантириб келмоқчи, ўғлининг соғинчини ёзмоқчи бўлди. Погонини олиб қўйган ҳарбий гимнастёркасини кийди, тўқаси йилтиллаб турган энли камарини қисиб боғлаб, Шавкатни елкасига миндириб олди. Шавкатнинг севинчи ичига сиғмасди. У ахир, ҳеч қачон шунақа маза қилиб, дадасининг елкасидан узоқ-узоқларни томоша қилмаган! Ана, қўрғонларидан анча нарида ўтадиган каналнинг суви ялт-юлт қиляпти, мактабнинг томидаги оппоқ мўрида мусича ўтирибди. Шундан кейин дадаси арикчадан ҳатламоқчи бўлса, Шавкатнинг оёқчаларини маҳкам ушлайди, Шавкат ҳам дадасининг бошини қулоғи аралаш қучоқлаб олади — дадаси ҳатлаши билан бир сакраб тушади. Бу ҳам маза!

Шавкат ана шундай маза қилиб кетаётганда дадаси уни аста ерга туширди. Бу қулоқ боши эди. Бу ердан сув иккига бўлиниб, бир томони Шавкатларникидан ўтади. Эрта ёзда Шавкат ўртоқлари билан шу ердан қоғоз қайиқча оқизиб, ўз қўрғонидан ушлаб олган. Ўшанда хурсанд бўлганларини кўрсангиз! Лекин кейингиси етиб бормади.

Шавкат бу ерда тўхташларининг сабабини билмай аланглаб турган эди, дадаси ариқни чатаноғи орасига олиб, муздай сув билан юзларини, қулоғи ва қулоғи орқаларини узоқ ювди. Унинг бу ювинишдан маза қилаётгани кўриниб турарди. Дадаси юз-бўйинларини қизариб кетгунча артиб туриб, деди:

— Шу ер ғир-ғир шамол бўлади, кўряпсанми?

Шавкат билмаган экан, дадаси эслатгач, пайқади: чиндан ҳам салқин.

— Сабабини билдингми? — яна уни синади дадаси. Шавкат атрофга аланглади, охири бу саволга жавоб топгандай бўлди:

— Соялигидан.

— Тўғри. Кўряпсанми, қанақа дарахт соя ташлаяпти?

— Терак, анави терак-да.

— Анави терак эмас, оқ терак, — деди дадаси, «оқ терак» деган сўзга алоҳида маъно бериб. Лекин Шавкат сабабини билмай, дадасининг оғзини пойлади. Дадаси куттирмади:

— Биласанми, бу қанақа оқ терак?

— Йўқ.

— Ёдгор оқ терак. Дадамдан ёдгор.

— Дадангиз экканми?

— Ҳа, буванг эккан, менинг дадам. Уруш бошланган йили эккан эдилар. Бир жуфт эди. Биттаси урушдан кейин қуриб қолди.

— Вой, аттанг! — ачинди Шавкат.

— Иложи бўлмади. Эвини қилолмадик.

Шу вақтгача оддийгина терак бўлган, кеча-кундуз қўрғонларидан кўриниб турган шу оқ терак бошқа маъно кашф этгандай бўлиб, Шавкатнинг кўнглига кириб борди: гўзаллашди, ўзга бир салобат топди.

Шавкат дадасининг елкасига миниб, то гузарга чиққунча шу оқ теракдан кўзини узмади. Энди бу терак унинг жонига, қонига туташ, азиз бир нарсага айланган эди.

Кунлар ўтди. Шавкат мактабга борди. Синфдан-синфга кўчди. Пионерга ўтди. У ҳар куни шу терак ёнидан мактабига қатнайди. Мактабига кетаётганда ҳам, келаётганда ҳам шу оқ теракка алоҳида бир илиқ меҳр билан назар ташлайди. Ўзи кўрмаган, кўриши насиб қилмаган, аммо сурати уйларининг тўрида зар рамкада турган фронтчи бувасини эслаб қўяди, унинг ажойиб одам бўлганини кўнглидан ўтказиб, ич-ичидан фахрланади. Ахир, шундай теракни эккан одам ёмон киши бўладими: унинг туришини қаранг, бўйи тикка, шохлари қалин, сояси қуюқ, бунақа чиройли терак бўлмайди. Дунёда битта!

Бу чиройли оқ теракни Шавкатнинг буваси экканини ёлғиз ўзи эмас, синфдош ўртоқлари ҳам билади. Шавкат фахрланиб уларга айтиб берган. Улар ҳам бу оқ теракни яхши кўришади, баъзан «Шавкатнинг буваси эккан» деб қўйишади.

Бир куни Шавкат мактабдан иккита ўртоғи билан келаётса, оқ терак остида бир киши ўтириб-ди. Қўлида болта. Уни Шавкат танийди. Қийшиқ тепада турадиган баджаҳл киши. Доим одамлар билан жанжаллашиб юради. Баҳорда Шавкат амакисининг мотоциклида мингашиб кетаётганда «чангитмасдан секин ўт!» деб йўлини тўсган. Бўлмаса, кўча асфальт, тоза, чанг қаёқда!

Шавкатнинг юраги бир хунук ишни сезгандек орқасига тортди. Қадамини секинлатди. Ҳалиги баджаҳл киши чекиб турган папиросини сўриб тортди-да юз-кўзини тутунга кўмди. Папироснинг қолдиғини икки бармоғи орасига олиб узоққа чертиб улоқтирди. Кейин бепарвогина ўрнидан туриб, қўлига болта олди. Оқ теракка қараб юрди.

Шавкатнинг эсида йўқ: ўша баджаҳл киши оқ теракка олдин болта урдими, ёки Шавкат «Тўхтанг!» деб унга ташланганидан кейин болта туширдими. Бир маҳал қараса, иккиси қамти турибди. Шавкат дир-дир титрарди.

— Нега кесасиз? — ўзини зўрға тутиб сўради Шавкат.

— Сенинг нима ишинг бор? қариб, қурий деб қолибди. Кўчадаги дарахт. — деди баджаҳл киши. Шавкатнинг ёнига ўртоқлари тушди:

— Анави кишини қаранг: нима ишинг бор эмиш! Шавкатнинг буваси эккан бу оқ теракни.

— Экса, экибди! Нима, Ҳиротдан сув ташиб суғорибдими! Ётган чўпни тиқиб қўйса кўкарган-да. Ёнида сув.

— Шавкатга бу кишининг оқ теракка урган болтасидан ҳам бувасининг хизматини менсимагани алам қилиб кетди. Нима деб бу аламдан чиқишини билмасди. Охири деди:

— Аввал ўзингиз биттасини кўкартириб кўринг!

Баджаҳл киши «Нима, қийин иш эканми?» дегандек масхаралаб кулди. Унинг кулгиси шунақа хунук эдики, бит кўзлари кисилиб, гўштдор қалин лаблари қийшайиб кетди У яна қўлига болта олиши билан уччала бола баравар ёпишди.

— Кесмайсиз! — деди биттаси.

— Ҳаққингиз йўқ! — деди бошқаси.

— Кўкариб турган дарахтни кесгани уялинг! — деди учинчиси.

Хуллас, уч азамат оқ теракни кестиришмади. Ноилож қолган баджаҳл киши шерикларини ёнига олиб жўнаб қолди.

Шавкат бир кафт лой олиб оқ теракнинг болта теккан ерини суваб қўйди.

Муҳаммаджон ҚОРИЕВ

Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ректори, иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Муҳаммаджон Қориев узоқ давом этган оғир касалликдан кейин вафот этди.

М. Қориев 1902 йилда Қўқонда туғилди. У Тошкент молия-иқтисод институтини ва Ленинград шаҳрида молия академиясини тамомлаб чиқди.

М. Қориев молия системасида 1923 йилдан ишлай бошлади. 1942 йилдан 1947 йилгача Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрининг ўринбосари бўлди. У 1947 йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР Молия министрлиги системасида ишлади, 1951 йилдан эътиборан министр ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

Муҳаммаджон Қориев ўзининг бутун ҳаётини социалистик Ватанга, Коммунистик партияга хизмат қилишга бағишлади. У 1942 йилдан КПСС аъзоси эди.

М. Қориев республика молия органлари ва бошқа совет органларида раҳбарлик ишида катта тажриба орттирди, назарий жиҳатдан зарур билимга эга эди. 1953 йилнинг сентябрь ойидан М. Қориев Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ректори бўлиб ишлади ва бунда унинг катта ташкилотчилик истеъдоди ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги учун ёш мутахассис-экономистлар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги ишчанлиги айниқса ёрқин намоён бўлди.

М. Қориев ижтимоий маҳсул ва миллий даромад, молия ва кредит, қишлоқ хўжалик экономикаси масалалари юзасидан катта илмий тадқиқот ишлари олиб борди, у бир қатор иқтисод фанлари кандидатлари тайёрлади, 50 дан кўпроқ илмий асарлар ёзиб нашр эттирди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати М. Қориевнинг хизматларига юксак баҳо бериб, уни Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади. У фахрий ёрлиқлар билан ҳам тақдирланган эди.

Коммунистик партия ва Ватаннинг содиқ фарзанди Муҳаммаджон Қориевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

* * *

Марҳум билан гражданларнинг видолашув маросими Тошкент Халқ хўжалиги институти биносида (Олмазор кўчаси, 183-уй), 11 декабрь куни соат 13 да ўтказилади.

ЖУРНАЛИСТЛАР МАҲОРАТИ МАКТАБИ

Тошкент область партия комитетида журналистлар маҳоратини ошириш бир йиллик мактаби ўз машғулотларини бошлади. Унда район, шаҳар, область газеталари, область радио ва телевидениеси ходимлари, партия активлари ўқимоқдалар.

Биринчи машғулотда область партия комитетининг секретари ўртоқ А. Хўжаев оммавий ахборот воситалари ишини янада яхшилаш масалалари тўғрисида доклад қилди. Филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмов «Адабиёт ва санъатда идеология курашининг айрим масалалари». Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг декани, доцент А. Шомақсудов «Район газетасининг тили ва стили» мавзуларида лекция ўқидилар. Шунингдек, область ижроия комитети план комиссиясининг раиси А. Валиев пойтахт область халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлаб берди.

Журналистлар маҳоратини ошириш мактабининг биринчи машғулотида тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. И. Искандаров иштирок этди. Тингловчилар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали экспозициялари билан танишдилар.

Ш. МИРАЛИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — **Москва.** 18.35 — **Тошкент.** 18.45 — Мультфильм. 19.00 — Оталаримиз жасорати. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — **Ахборот.** 21.00 — Лирик концерт. 22.00 — **Москва. Вақт.** 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — **Тошкент.** 11.55 — **Юпқа муз устида** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 18.35 — **Москва.** 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Москва ва москваликлар. 20.00 — **Жавоҳир кўл** (бадиий фильм). 21.35 — «Гая» ансамбли куйлайди. 22.00 — **Тошкент.** Ёшлар ижоди. 22.30 — **Марҳабо, талантлар!** Самарқанд область ҳаваскорларининг чиқиши. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — **Тошкент.** 19.40 — Фильм-концерт. 20.10 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 20.55 — **Оддий одам** (бадиий фильм).

12 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — **Москва.** 18.20 — **Тошкент.** 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 — Рус тили. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — **Ахборот.** 21.00 — Концерт. 22.00 — **Москва. Вақт.** 22.30 — **Хоккей: СССР — Швеция.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — Тошкент. Ўқув кўрсатуви. 13.00 — **Юпқа муз устида** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 18.20 — **Москва.** 18.50 — Болалар учун кўрсатув. 19.35 — Янгиликлар. 19.45 — Топишмоқлар ва жавоблар. 20.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади (Тошкент). 20.30 — Жаҳон халқлари ижоди. 22.00 — **Тошкент.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — **Тошкент.** 19.40 — **Ўтмиш билан учрашув** (бадиий фильм). 21.25 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/XII да **Корсар**, 12/XII да **Трубадур**, 13/XII да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11, 12/XII да **Қароқчилар**, 13/XII да **Комиссия**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
14-15 ДЕКАБРЬ, КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист
КЕНЖА МАТНАЗАРОВ.
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
КАРИМА УЗОҚОВА,
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Амина ХАЛИЛОВА, Азиза ТУЛАГАНОВА, Кокяб АЛИЕВА, Саттор ИСЛОМОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ.
Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом Тожиаълоев олиб боради.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимлари ҳамда Иқтисод институти коллективи Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор

Муҳаммаджон Муродович ҚОРИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент халқ хўжалик институти ректорати, партия, касаба союз ва жамоат ташкилотлари институт ректори Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор

Муҳаммаджон Муродович ҚОРИЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети юридик факультетининг деканати, партия ва касаба союз ташкилотлари факультетнинг катта ўқитувчиси

Неъмат МИРЗААҲМЕДОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 13 декабрда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ. Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ✱ ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 02978. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 288.